



ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ЁШ КЕЛИН-КУЁВ ПСИХОЛОГИК ҚИЁФАСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ХУЛҚ-АТВОРНИНГ ЭМПИРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ.

*Азим Жабборов,
Қарши давлат университети профессори
Раъно Алимардонова,
Қарши давлат университети таянч докторанти*

Аннотация: Ушбу мақола ўзбек оилаларида ёш келин-куёв психологик қиёфасини ифодаловчи хулқ-атворнинг эмпирик кўрсаткичларига бағишланган бўлиб, унда Т.Лири методикаси ёрдамида ўрганилган натижаларнинг психологик талқини берилган.

Калит сўзлар: хулқ-атвор, психологик қиёфа, оила турмуши тарзи, ёш келин-куёв, инсоний фазилятлар, ибо-ҳаё, севгига садоқат, адолат, гўзаллик, оқиллик, орасалик, оила шаъни ва ғурури.

Аннотация: Данная статья посвящена эмпирическим показателям поведения в узбекских семьях, отражающим психологический образ молодой пары, что дает психологическую интерпретацию результатов исследования по методике Т. Лири.

Ключевые слова: поведение, психологический облик, семейный уклад, молодой жених и невеста, человеческие качества, скромность, преданность любви, справедливость, красота, мудрость, умеренность, семейная честь и гордость.

Abstract: This article is devoted to the empirical indicators of behavior in Uzbek families, which reflect the psychological image of the young couple, which provides a psychological interpretation of the results studied using the method of T. Leary.

Key words: family lifestyle, young bride and groom, human qualities, modesty, devotion to love, justice, beauty, wisdom, moderation, family honor and pride.

Мавзунинг долзарблиги. Жамиятнинг тарихий тараққиётидан шу нарса маълумки, шахслараро муносабатлар ижтимоий-психологик ва психологик муҳитни оптимал таъминлашга хизмат қилувчи асосий механизм ҳисобланади. Бугунги кунда ёш оилаларда кутилаётган психологик инқирозлар шахс камолоти ва шахслараро муносабатларда учраётган камчиликлар, ёш оилада қарор топаётган ижтимоий-психологик муҳит, кадриятларнинг бузилиши ва унга ижтимоий эътиборнинг этарли эмаслиги билан боғлиқдир.

Ёш оиладаги келин-куёв хулқ-атворини (психологик қиёфасини) психологик нуқтаи назардан ўрганишда келин-куёв, ота-она билан фарзандлар, келин билан қайнона-қайнота, келин билан қайн ака, қайн ука, қайн опа, қайн сингил ва бошқа яқин қариндошлар ўртасидаги муносабатлар жараёнини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамиятдаги каби оилада ҳам шахслараро муносабатлар "субъект-субъект" билан бир қаторда "субъект-гуруҳ", "Мен-биз" "Улар ва мен" тизимида намоён бўлиши маълум. Бундай тизим узоқ вақт давомида ижтимоий-маданий муҳитда шаклланиб, миллий кадриятлар сифатида юзага келган. Биз тадқиқотимизда ана шу тизимни психологик қонуниятларини аниқлаш ва саволларга жавоб излаш маъносида Лирининг шахснинг характерологик хусусиятларини (психологик қиёфасини) ўрганиш тестидан фойдаланишни лозим топдик. Ушбу методика ёрдамида оиладаги ёш келин-куёвлар ва қайнота-қайноналар ҳамда оиланинг бошқа аъзоларини тадқиқ қилишни маъқул деб ҳисобладик. Чунки, оила ҳаётида даврлар ўртасидаги номуносивлик, ижтимоий-этник кадриятларга амал қилишдаги фарқлар, дунёқарашлардаги номувофиқлик ва авлодлар орасидаги мунозаралар тахлили муаммога муайян даражада аниқлик киритади, деб ўйлаймиз.

Ҳозирги оилалар ҳаётини кузатишлардан шу нарса маълумки, аслида муносабат жараёнидаги тушунмовчиликлар, зиддиятларга нописандлик, шахснинг дунёқараши ва камолоти даражасидаги тафовутлар, ҳаётини манфаатлар, қизиқишлар ва мақсадларнинг мос келмаслиги, ўзаро ҳурматнинг меъёрли шаклланмаганлиги, симпатияга нисбатан антипатиянинг кучайиб бориши улар ўртасида турли даражадаги низоларнинг шаклланиб оилани барҳам топишига олиб келмоқда. Ёш оиладаги шахслараро муносабатларда ўзига





хосликка асосланган кадриятли-меъёрий тенгликни таъминлаш учун ҳам келин-куёвга хос хулқ-атвор ифодаси таҳлилини ёритиб ўтиш ўринлидир. Оила ҳаёти ва турмушида шахслараро муносабатлар кадриятли меъёрларга амал қилиши ҳамда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланса-да, аммо оила аъзоларининг "Мен" билан "биз" ўртасидаги меъёрий муносабатларида уйғунлик ва изчиллик шаклланмаслиги, шахсларнинг идентификациялашуви ва ижтимоийлашувининг меъёрида бўлмаслиги анча аянчли ҳолатлар юз беришига олиб келади. Бундай ҳолатларни ўрганиб, илмий эчим топиш учун

1-жадвал

Т.Лири методикаси ёрдамида ёш келин-куёв шахсининг характерологик хусусиятларини (психологик қиёфасини) ўрганиш натижалари.

Оқтанг	Муносабатлар	ҳисобида		қиймат
		Эр	Хотин	
		$M \pm m_2$	$M \pm m_2$	
I	Лидерликка мойиллик- ҳукмронлик, зулмкор	9,06±0,70	8,35±0,52	
II	Ўзига ишонч – ўзини яхши кўриш	8,64±0,42	8,15±0,35	
III	Талабчанлик – мурасасиз, шафқатсиз	10,27±0,62	7,54±0,52	$t=3,30$ $p \leq 0,001$
IV	Ишончсизлик – қайсар-салбийлик	6,43±0,32	7,50±0,46	$t=1,90$ $p \leq 0,05$
V	Ён беришлик – пасив бўйсунувчанлик	4,65±0,32	6,55±0,48	
VI	Ишонувчанлик – итоаткорлик-тобелик	8,32±0,78	8,20±0,56	
VII	Кўнгилчанлик – мустақил эмас, ҳаддан ташқари ён берувчан	3,70±0,26	5,94±0,28	$t=2,25$ $p \leq 0,05$
VIII	Раҳмдиллик – беғаразлик-фидокорлик	4,55±0,28	4,50±0,25	$t=1,54$

Лири методикасини татбиқ этишдан олинган натижаларга психологик шарҳ беришни лозим топдик. Мазкур натижалар 1-жадвалда ўз ифодасини топган.

Ушбу методика натижаларини психологик таҳлил қилишда оила аъзоларидан, яъни ёш эр-хотин ва куёвнинг ота-онаси (қайнота-қайноналар) томонидан берилган жавобларга таянишга ҳаракат қилдик. Чунки оилавий муносабатларда эр-хотин, қайнота-қайнона марказий тимсол ҳисобланади. Шунингдек, методика натижаларини синалувчиларнинг "Реал Мени", "идеалдаги эр" ва "идеалдаги хотин" тимсоллари бўйича баҳолаш мўлжалланди.

Методиканинг мақсад-моҳияти хусусидаги батафсил маълумотлар психодиагностик адабиётларда берилганлиги сабабли уларга тўхталмаймиз.

1-тенденция. Лидерликка мойиллик-ҳукмронлик, зулмкорлик. Ушбу тенденция бўйича натижалар ёш эр-хотинларнинг "Реал Мен" доирасида 9,06±0,70 балл ва 8,35±0,52 балл кўрсаткичида ифодаланди. Кўриниб турганидек, лидерликка мойиллик эрларда юқори бўлса-да, аммо аёлларда ҳам бу сифат қисман юқорилиги ифодаланган. Оиланинг ҳар иккала аъзоси ҳам оила бошқаришнинг адаптация босқичида турганлиги, ҳаётини амалий тажриба энди тўпланаётганлиги ва унинг икир-чикирларида ўз шерикларидаги қайсидир этишмовчиликларни англай бошлаганликларидан далолат беради. Шу ўринда лидерликка интилиш ҳалича ноўрин эканлиги, оилани бошқаришда тактик шарт-шароитларга амал қилиш, вазиятга нисбатан сезгирлик, оқиллик, ёш эр-хотинлар бир-бирини ижтимоий тан олиши, бир-бирларига ижобий ўзаро муносабатни намоён қилишлари (бир-бирига сингишлари ёки англашлари) мақсадга мувофиқ эди. Натижалардан кўринадики, эрларнинг





"Менинг идеалимдаги эр" ($11,05 \pm 0,65$), "Менинг идеалимдаги аёл" ($9,75 \pm 0,56$) кўрсаткичлари бўйича ёки хотинларнинг "Менинг идеалимдаги аёл" ($10,15 \pm 0,50$) ва "Менинг идеалимдаги эр" ($10,35 \pm 0,46$) кўрсаткичлари бўйича тасаввур образлари "реал мен" позициясига караганда, анча юқори кўринишда ифодаланди.

Ёш оилада шахслараро мослик учун аслида "идеал мен" билан "реал мен" ўртасида анча яқинлик бўлиши лозим эди. Юқоридаги кўрсаткични ёш эр-хотинларнинг "идеал" позициялари, уларнинг оилавий муносабатларида бўш қолган, яъни эр-хотиннинг масъулият ҳиссини ўз жинс вазифаларига кўра, бир хилда юрита олмасликлари, ягона мақсад сари интилишда бирликнинг ҳали этарлича шаклланмаганлиги, мустақилликка интилиш туйғусининг устунлик қилиши билан изоҳлаш мумкин. Бу эса ўз навбатида, оилани бошқаришда шахсий масъулият ва ҳамфикрликнинг этишмаслиги, уни юритишда фрустрацияга, депрессияга дуч келишга ва шахсий фаолликда астеникликни намоён қилишга сабаб бўлади.

Аслида ёш эр-хотинлар оиладаги шахслараро муносабатларни лидерлик ёки доминантлик позицияларини ўзлари учун масъул роллар бўйича амалга ошира олишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Акс ҳолда, ёш эр-хотин ўртасида совуқлик тушиб низо чиқишига аста-секин имконият юзага келади.

2. Ўзини яхши кўриш - ўзига ишонч. Ушбу тенденция - ўзига ишонч, мустақиллик, ишчанлик ўзаро муносабатларда ижобий натижаларни ифодаласа-да, уларнинг юқори кўрсаткичи эса эгоист яъни, худбинликни билдиради. Мазкур тенденция бўйича синалувчилар иккинчи даражали натижаларни намоён қилдилар, яъни улар: эрлар "Реал мен" бўйича ($8,64 \pm 0,42$), хотинлар ($8,15 \pm 0,35$ балл) кўрсаткич билан чекландилар. Бу кўриниш уларда оилавий муносабатлар учун ишонч ҳисси шаклланаётганлигини, бу эса ўзига ишонч туйғуси, ишчанлик сифатлари мавжудлигини намоён қилади, аммо ушбу сифатлар ҳар доим ҳам ижтимоий муносабат ва кундалик турмушда намоён бўла олмаслигини тахмин қилишимиз ўринли. Ёш эр-хотинларнинг "идеал эр" ва "идеал хотин" тўғрисидаги тасаввурлари ҳам иккинчи даражали натижага мос келди (эрларда "идеал эр" бўйича $10,75 \pm 0,48$ балл, "идеал хотин" $10,25 \pm 0,42$ балл, хотинларда эса "менинг идеалимдаги эр" бўйича $10,25 \pm 0,61$ балл "мени идеалимдаги аёл" бўйича ($9,80 \pm 0,50$ балл). Бу эса эр ва хотиннинг "ўзига ишонч - ўзини яхши кўриш" тенденцияси натижалари реаллик билан идеалликни тақозо этганлигини эътироф этади.

Бундай тасаввур тимсоллари, айниқса уларнинг реалликдаги ифодаси оилада эр-хотин билан унинг бошқа аъзолари ўртасидаги муносабатларда ижобий хусусият касб этишини таъминлайди. Агарда, ушбу тенденция натижалари учинчи даражадаги ўринни кўрсатганида оилавий муносабатларда кескинлик, ихтилоф ва жанжал ҳукмронлик қилган бўларди. Оилавий муносабатларда ўзини яхши кўриш, иш-ҳаракатларини юқори баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Ўзини яхши кўриш ёки эгоистлик оилавий муносабатдан ташқари, ижтимоий муносабатнинг қайсидир доирасида маъқулдир, акс ҳолда оилавий муносабатларда ифодаланиши мақсадга мувофиқ эмас. Оила аъзолари орасидаги эгоистлик, жиззакилик, ўзини ҳаддан ортиқча яхши кўриш (кўпинча келин билан қайнона орасида) инқирозлар кучайиб, натижада оила бузилишига олиб келишини ҳаётий кузатишлар тасдиқламоқда.

Келин ёки куёвнинг атрофидагилар хоҳлайдими ёки йўқми, инсонни "ўзини ўзи яхши кўриш" ҳислати табиий мавжуд. "Ўзини ўзи яхши кўриш"ни жамиятда қарор топган шахслараро муносабатлардаги ижтимоий меъёрларга мувофиқлаштиришгина ижобий натижалар беради. Демак, оилавий шахслараро муносабатларда эр-хотинларнинг "ўзига ишонч" фазилатининг шаклланганлиги оила мустаҳкамлиги учун муҳим аҳамият касб этади.

3. Талабчанлик-муросасизлик-шафқатсизлик. Бу тенденция таъсирчанлик, танқидийлик, шерикнинг хатоларига бардошсизлик кўринишларида ифодаланади. Мазкур тенденциянинг меъёрдан юқори натижалари истехзолик ва заҳархандалик кўринишларида намоён бўлади.





"Талабчанлик мурасасизлик-шафқатсизлик" тенденцияси бўйича кўрсаткичлар ёш эр-хотинларнинг оилавий муносабатида, мурасасизлик ва шафқатсизликка ўрин йўқлигини ифодалади. Чунки улар янги оила аъзоси бўлганлиги, ҳамда ҳаётий (миллий-маданий муҳит) тажрибалардан эшитиб, кўриб мурасасизлик, низо, ўзаро тушунмовчилик ҳеч қачон ижобий оқибатларга олиб келмаслигини билишади. Машҳур рус психологи С.Л.Рубинштейннинг шахс хулқ-атворида хос психологик таърифини эсга олсак, "Шахс - ташки детерменантларнинг ички психик ўзлаштирилишидир" деган эди. Бундан кўришиб турибдики, ижобий фазилатлар, қатор инсонийлик хислатлар эзгуликка олиб келиши тўғрисида мулоҳаза билдирилган. Аммо улардан кундалик турмушда, ижтимоий ҳаётда ўринли фойдаланиш анча мураккаб жараён. Юқоридаги таърифга кўра, шахс камолоти ва кайдаражада ижтимоийлашганлиги унинг хулқ-атвори намоён бўлишини белгилайди.

Тадқиқот натижалари ҳам тенденция бўйича учинчи даражали кўрсаткичлар мақсадга мувофиқ эмаслигини тасдиқлади. Эркаклар "Реал мен" бўйича $10,27 \pm 0,62$ балл, аёллар $7,54 \pm 0,52$ баллни намоён қилдилар ($t=3,30$ $p < 0,001$ га тенг бўлди). Бу эса, аёлларнинг оилада эркакнинг талабчанлиги ва шунга мувофиқ аёлни, унинг талабларига нисбатан сабр-тоқатли бўлишини талаб этмоқда. Талабчанликнинг ҳам меъёридалиги учун эр ҳам оиланинг моддий жиҳатдан таъминлаши, тарбия жараёнида хотини билан ҳамфикр бўлиши ёки фаолиятда акс таъсир сифатида ўзини ижобий намоён қилиши кутилади. Тадқиқот натижаларининг акси бўлса, яъни аёлда талабчанлик ёки мурасасизлик юқори кўрсаткичлиги, унда оилавий муносабатларни оқибатини изоҳлаш ҳам анча мураккаб психологик тавсифга сабаб бўлади. Шу уринда А.Маслоу таъкидлаганидек, ҳар бир инсонни маиший эҳтиёжлар безовта қилишини эсга оладиган бўлсак, оила билан боғлиқ эҳтиёжларнинг чексизлиги эр-хотин ва унинг аъзолари ўртасидаги келишмовчиликларнинг манбаи ҳисобланади. Шу боис, аёлларнинг "реал мен" идаги миқдорий кўрсаткич, эр-хотин ўртасидаги муносабатни мурасада бўлишини таъминлайди.

Шунингдек, эркакларнинг "Менинг идеалимдаги эр" ($11,55 \pm 0,60$ балл) ($t=1,28$ $P < 0,05$ га тенг) ва "идеалимдаги хотин" ($6,65 \pm 0,48$ балл), аёллар эса "Менинг тасаввуримдаги идеал эр" бўйича $9,62 \pm 0,85$ балл, "менинг идеалимдаги хотин" бўйича $6,42 \pm 0,57$ балл ($t=3,2$ $P < 0,001$ га тенг) билан қаноатланганликлари ифодаланди. Уларнинг берган жавобларидан кўринадики, эркакларда оиланинг ягона "ҳокими" хоҳиши устуворлиги билан бирга хотинлари учун оилавий масалаларда ортиқча талабчанлик шарт эмаслиги, барча шарт-шароитларга мослашувчан ва ўйлаб иш тутадиган рафиқа бўлишини хохлаётганликлари ифодаланди. Эркакларнинг оилавий муносабатлардаги бундай позицияларини қўллаб-қувватлаб бўлмайди.

Аёллар ҳам эркакларни талабчан бўлиш ва хотинларни эса нисбатан бўлса-да турмуш ўртоқларини тингловчан, бўйсунувчан шериги бўлиб қолиш тарафдоридирлар, аёлларнинг бундай натижаларини ўзбек халқининг этногенезидан излашга тўғри келади. Чунки кизни турмушга узатаётганда кексалар келиннинг эрига нисбатан садоқати ва унга тобе бўлиши оилани мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири сифатидаги установкаларининг натижасидир.

Ёш аёлнинг юқори даражада талабчан бўлиши ёки эркакда фаолликнинг этишмаслиги ҳамда унинг мурасасизлиги билан аёлнинг эрига тобелигининг оқибатида кучли асаб бузилиши, тундликнинг ортиши, ожизлик, норозилик, антипатия, сустлик, қўполлик ва кўрслик юз беради. Оилага, фарзандларга, ота-онага, қариндош-уруғлар ва кўни-кўшниларга нисбатан ҳам норозилигини намоён қилиш, унинг бундай ҳолатга тушишига атрофдагиларнинг ҳам таъсири борлигини англаш бошланади. Бу оилалар секин-аста муаммоли оилалар сафидан жой оладилар.

4. Ишончсизлик-қайсарлик-салбийлик тенденцияси. Ушбу тенденция ёш эр-хотин ўртасида ишончсизлик, шубҳаланиш, рашк, жиззакилик, гина сақловчанликни аниқлашга ёрдам беради.

Айниқса ёш оилар учун эр-хотин ва бошқа шахслараро муносабатларда ишончсизлик, шубҳаланиш, рашк ва жиззакилик бузувчи омиллар сифатида иштирок этиши табиийдир.





Мазкур муносабатларда тенглик ва ишончни таъминлашда таъкидлаб ўтилган хусусиятлардан холи бўлган ижтимоий-психологик муҳитни оилада шакллантириш маъқулдир. Мазкур тенденцияда ифодаланган натижаларга мурожаат қиладиган бўлсак, эрлар ҳам аёллар ҳам иккинчи даражали натижаларга эга ("реал мен" бўйича $6,43 \pm 0,32$ балл ва $7,50 \pm 0,46$ баллга тенг). ($t=1,90$, $p>0,05$ га тенг)дир. Бу эр-хотинларда келажак ҳаётларини айнан кўрмаслик, ишончсизлик, рашк қилиш, шубҳаланиш ва қайсарликка мойиллик ҳукм суришини тасдиқлаб турибди. Албатта, бу ҳолат оилаларнинг ҳаёт тажрибасига кўра, ўзгариб бориши кузатилган.

Ёш оилалар севги-муҳаббат ёки никоҳолди танишув асосида қурилишига қараб ҳам келин-куёвда дастлаб рашк, шубҳаланиш, гумонсираш ҳислари намоён бўлади. Рашк бир томондан меҳр-муҳаббат ва ор-номус белгиси сифатида оилани ҳимоялашнинг механизми сифатида қаралса, иккинчи томондан, оила бузилишининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Ўзбек миллий психологияси ва ислом дини ёки ҳадисларда рашк тўғрисида бир қатор мулоҳазалар баён қилинган. Масалан, имом Бухорийнинг "Ал-жомийъ ал-сахих" ҳадислар тўплами 3-китобининг 107-109 бетларида рашк ҳақида сўз боради. Ҳадисларнинг биридан шундай бир намуна келтириб ўтайлик: "Муғийра ривоят қиладилар: "Саъд ибн Убайда: "Агар мен бир бегона кишини хотиним билан кўриб қолсам, уни қилич бети билан эрмас, тиғи билан уриб чопиб ташлайман!"-деди. Жаноб Расулulloҳ: "Саъднинг рашкидан ажабланишларми. Мен Саъддан, аллоҳ таоло эрса мандан ҳам кўпроқ рашклидур!" - дедилар. Бу билан рашкни ислом динида нақадар юқори баҳоланишини таъкидлаш жоиз. Аммо рашк, шубҳа учун асосли ҳолат вужудга келиши ҳам ўринлидир. Чунки эр-хотин орасида шубҳаланиш, гумонсираш асосида қанчадан-қанча оилалар бузилаётганлиги сир эмас.

"Шубҳа, гумон, имондан айирур" деган нақл халқ орасида кўп ишлатилади. Рашк, шубҳанинг ортиб кетиши бир-биридан кўнгли қолиб, жазавага тушишга, агрессивликка олиб келади, энг ёмони ўч олиш ҳисси, гина сақлаш, шахснинг хулқ-атворида бузилишларни келтириб чиқаради. Баъзан фрустрацияга мойилликнинг кучайиб кетиши, аффектив ҳолатлар билан яқунланишига сабаб бўлади. Фрустрацияга нисбатан толерантлик ҳосил қилмаган ҳолларда суицидлар (аёлларда ҳам, эркакларда ҳам) содир этилмоқда.

Ёш оилада эр-хотин муносабатларида ишончсизлик-қайсарлик ва негативизмга имконият туғилган ҳоллардан эр ҳам, хотин ҳам, атрофдагилар ҳам эҳтиёт бўлиши лозим. Шунга кўра, синалувчиларнинг "идеалларидаги эр ва хотин" тимсолига берган баҳоларида (эркакларда: "менинг идеалимдаги эр" бўйича $8,25 \pm 0,78$ балл, "менинг идеалимдаги аёл" бўйича $5,32 \pm 0,25$ балл; ($t=3,62$, $P<0,001$ га тенг) аёлларда: "менинг идеалимдаги эр" бўйича $8,54 \pm 0,64$ балл, "менинг идеалимдаги аёл" $6,45 \pm 0,35$ балл) ($t=2,40$ $P<0,001$ га тенг). Эр-хотин уртасида юз берадиган ишончсизлик-қайсарлик-негативизм оилавий муносабатлар бузилишига замин яратади.

Ёш эр-хотинлар ва атрофдагиларнинг оила мустаҳкамлиги учун ўз хатти-ҳаракат ва хулқ-атворларини назорат қилишларида, фаолият ва ўзаро муносабатларда субъектив, яъни интериаллашган (одилона баҳо беришга ўрганиш) механизмнинг юзага келгани маъқул.

5. Ён беришлик-беозор-пассив бўйсунувчанлик. Мазкур тенденция ёш келин-куёвдаги мавжуд танқидийлик, вазминлик, мулойимлик, тобелик, уятчанлик каби сифатларни баҳолаш имкониятини беради. Натижалар методиканинг хусусиятига кўра, биринчи ва иккинчи даражали кўрсаткичлар доирасидан ўрин олган: эркакларда "Реал мен" $4,65 \pm 0,32$ балл, "идеалдаги эр" $7,32 \pm 0,54$ балл, идеалдаги аёл $8,25 \pm 0,70$ балл ($t=1,40$; P -кузатилмади) аёлларда: "Реал мен" $6,55 \pm 0,48$ балл, "идеалдаги эр" $7,55 \pm 0,66$ балл, "идеалимдаги хотин" эса $7,62 \pm 0,73$ баллни намоён қилди ($t=0,19$ га тенгликда P -ишончилилик кузатилди).

Тадқиқот натижаларидан кўринадики, эркаклар реал ҳаётда доимо ҳам оилавий муносабатларда ён беравермасликлари, қайсидир маънода "эрлик ғурурига" таянишлари, муносабатларда доминантлик, эркинликни хоҳлашлари, аммо "идеалларида" эса эркак учун оилавий муносабатларда беозорлик, вазминлик, ўз хатти-ҳаракатларига танқидий қараш





лозимлигини, аммо тобелик, тортинчоклик ва уялишга ҳожат йўқ, деган хулоса чиқаришларига асос бўлади.

Ёш аёлларнинг натижаси, асосан, иккинчи даражали қийматларни намоён қилган. Уларнинг берган жавобларида аёлларга хос назокат, беозорлик, сабрлилик, уятчанлик, оиладаги шахслараро муносабатлар учун зарурий шарт эканлигини, аммо тобелик, тортинчоклик ҳар доим ҳам зарурат эмаслигини, эр-хотин муносабатлари бузилишига сабаб бўлишини англатмоқда. Аёлларга хос вазминлик, босиқлик, фикрлаб маслаҳатли иш тутиш эрнинг эмоционал реакцияларини меъёрлаштиради.

6. Ишонувчанлик-итоаткорлик-тобелик. Турмуш ўртоғига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, унинг ҳаракатларидан мамнун бўлиш, унга ҳар вақт қувонч бахшида этишга интилиш тенденциянинг тавсифловчи асосий сифатлари ҳисобланади.

Ушбу тенденцияга оилавий муносабатларда соғлом психологик муҳитни таъминлашнинг марказий тенденцияларидан бири сифатида қараш мумкин. Чунки, оиланинг асосий субъекти сифатида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, бир-бирини эъзозлаш, қувонч улашишга интилиш оилада ижобий психологик муҳитни яратади. Синалувчиларни берган жавобларига кўра: эркак ва аёлларнинг "Реал мен" бўйича кўрсаткичлари иккинчи даражали поғонадан ўрин олган, яъни $8,32 \pm 0,78$ балл (эрларда), $8,20 \pm 0,56$ баллни (аёлларда) намоён қилди. Бу билан ёш эр ва хотинлар бир-бириларида турмушда юқори ишонувчанликни намоён қилишга мойиллигини кўрсатмоқдалар.

Миллий хусусиятларимизга кўра, эр турмуш ўртоғининг ишончини қозониши, унга ҳурмат ва қувонч бахшида қилиши, эъзозлаши аҳамиятлидир.

Синалувчилар "идеал"лари бўйича иккинчи даражанинг юқори чегарасидаги натижаларни намоёниш қилдилар. Уларнинг тасаввурларида эр ҳам, хотин ҳам бир-бирларига ишонувчанлигидан ташқари итоаткорликка, бамаслаҳат иш тутишга мойилликларини ҳам ифодаламоқда. Ўзбек миллий психологиясида эр билан хотин муносабатларида эрнинг этакчи бўлиши авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъана ҳисобланади. Бунга ҳам муайян ўринларда амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

7. Кўнгилчанлик - мустақил эмас, ён берувчан. Ушбу тенденция ёш эр-хотин ўртасидаги ўзаро ёрдам, мулоқотмандлик, эътиборлилик, хайрихоҳликни аниқлаш имкониятига эга. Тенденция натижаларига кўра, эрлар $3,70 \pm 0,26$ балл ("Реал мен" бўйича ("идеал"ликда эса $4,45 \pm 0,32$ балл ва $6,30 \pm 0,38$ баллар)ни ($t=4,15$ $p<0,001$ га тенг) намоён қилди); аёллар эса реал мен бўйича $5,94 \pm 0,28$ балл, ("идеал" ларида $5,25 \pm 0,32$ балл; $6,40 \pm 0,38$ балл ($t=2,25$; $p<0,05$ га тенг).

Натижалар таҳлилидан кўринадики, оилавий муносабатларда ўзаро ёрдам, мулоқотмандликнинг зарурлиги (эркак ва аёллар натижаларига кўра) тасдиқланса-да, аммо доимо хайрихоҳлик, қатъий фикрнинг йўқлиги, ён берувчанлик мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосанинг ифодаланиши сезилмоқда.

Оиладаги шахслараро муносабатларда эр-хотинлар шарт-шароитга кўра кўнгил сўраш, хайрихоҳ бўлиш, ўзаро ёрдам маъқуллигини, кўнгилчанлик ва ён берувчанлик, номустиқлик ҳолатлари психологик тўсиқларни юзага келтиришини, эр-хотин шахси камолотида ҳам номутаносибликни шаклланишига асос бўлади дейиш мумкин.

8. Раҳмдиллик-беғаразлик-фидокорлик. Мазкур тенденция эр-хотинларни шахслараро муносабатидаги мулойимлик, атрофдагиларга нисбатан ғамхўрликка интилишини, камчиликларни тузатишга мойиллигини, камчилик ва хатоларга нисбатан кечиримлилигини англатади.

Ушбу тенденция натижаларига кўра, эр-хотинлар "раҳмдиллик, беғаразлик, фидокорлик" ни қуйидагича баҳоладилар: эркаклар "реал мен" бўйича $4,55 \pm 0,28$ балл, "идеаллари" бўйича $6,62 \pm 0,36$ балл ва $5,55 \pm 0,26$ балл. ($t=2,42$, фарқлар ишончлилиги. $P<0,05$ га тенг бўлди); аёллар эса $4,50 \pm 0,25$ баллни (реал мен) ва "идеаллари" бўйича $6,62 \pm 0,42$ балл ва $7,35 \pm 0,44$ баллни ($t=1,54$ га фарқлар ишончлилиги кузатилмади) намоён қилдилар. Эрлар оилавий муносабатларда хусусан, атрофдагилар билан хушмуомилали, уларга монанд иш тутишни эътироф этсаларда, доимо ҳам камчиликларга нисбатан кечиримли ва кўз юмиб





кегиш ҳам жоиз эмаслигини ифодаламоқдалар. Хотинлар эса атрофдагиларга муносабатда мулойимлик, ёқимтойлик, зарур бўлса камчиликларни кечиришни ҳам муҳим ҳислат сифатида ифодалашга интиломоқдалар.

Албатта, оилавий муносабатларда ўзаро тенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлашда эр-хотинларда онглилик, хушмуомалалик, ҳамфикрлик, бир-бирини аяш, раҳмдиллик, ўйлаб бир қарорга келишлик, вафодорлик, фидокорлик жоизлигини эътироф этиш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: (2007 йил 1 майгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Тошкент: Адолат, 2007. - 192 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. -488 б.
3. Жабборов А.М., Абдуқаҳҳорова Г. Миллий психологиянинг шаклланиш манбалари. - Қарши: ”Насаф”, 2017.-72 б.
4. Рубинштейн С.Л. Бытие и сознание. -М., 1957. -172 с.
5. Maslov A.H The father reaches of Human Mature, N.Y. 1972.
6. Турабова С. К. ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ТАРЗИ ВА АРГУМЕНТАТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИ. – 2022.
7. Turabova, S. K., & Juraeva, V. F. (2019). THE SOCIO-POLITICAL SIGNIFICANCE OF THE PHENOMENON SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE DEVELOPMENT OF THINKING OF THE PEOPLES OF THE EAST. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(8), 168-174.
8. Turabova, S. K. (2019). Social importance of the discussion in the development of civil society. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 260-266.
9. Kattakulovna, T. S. (2022, April). SCIENTIFIC DISCUSSIONS AS AN INNOVATIVE METHOD OF COGNITION. In Conference Zone (pp. 116-117).
10. Axmedov B. Qorako'lchilik sohasini ilmiy tadqiqotlarda o'rganilishining ahamiyati //Journal of Social Sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 01.
11. Mamasaliev M. M., Elboeva S. B. RELIGIOUS-PHILOSOPHICAL DOCTRINES OF SARVERALLI RADHAKRISHNAN //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 11. – С. 339-342.
12. Мамасалиев М. М., Бўриев И. И. Информационная безопасность учащихся-одно из основных направлений деятельности педагога //Фундаментальные основы инновационного развития науки и образования. – 2019. – С. 188-190.
13. Akhmedov, Bekzod Abdirahmonovich HISTORY OF KARAKUL INDUSTRY IN UZBEKISTAN // ORIENSS. 2021. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/history-of-karakul-industry-in-uzbekistan> (дата обращения: 02.12.2022).
14. Чориев, С.А. , & Рустамов, Р.Р. (2022). ДУНЁ ТАРҒИБОТ СИСТЕМАСИ ЭВОЛЮЦИЯСИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (5-2), 48-59.
15. Ruziboev Dilshod A'Zam Ugli (2021). TOURISM POWER OF UZBEKISTAN. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (5), 215-222.

